

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
QARORI

233 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 23 май,
166-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 23 майдаги 166-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 128-модда) 1-иловада «Устав фондида давлат улуши камида 51 фоиз бўлган етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари» бўлими қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Устав фондида давлат улуши камида 51 фоиз бўлган етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари:

1. «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК;
2. «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК;
3. «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК;
4. «ЎзГЕОРАНГМЕТЛИТИ» ДУК;
5. «Тошгипрогор» АЖ;
6. «ТошуйжойЛИТИ» АЖ;
7. «Ўзогирсаноатлойиҳа» АЖ;
8. «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ;
9. «СувсаноатфуқароЛИ» МЧЖ;
10. «ЎзГИП» МЧЖ».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 апрелдаги 126-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 33-модда) билан тасдиқланган «Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Намунавий лицензиялар лицензия талабгорининг аризасига биноан умуман лойиҳалаш фаолияти турига ёки ушбу Низомга 1-иловага биноан Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатлари классификаторига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича объектлар мураккаблиги тоифалари классификаторига мувофиқ лойиҳалаштиришнинг бир ёки бир нечта турларини (бўлимларини) ишлаб чиқишга берилади»;

б) 5-бандда:

биринчи хатбошидаги «I-II тоифаларидан» сўзлари «I тоифасидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «5 йилдан кам бўлмаган муддатда мураккабликнинг янада юқори тоифасидаги объектларни лойиҳалаш тажрибасига эга бўлган ҳамда» ва «бош муҳандислар ва архитекторлар, бош ва етакчи мутахассислар» сўзлари «мутахассислар» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 6-банддаги «Объектларни лойиҳалаш ва қуришнинг мураккаблик классификаторига (2-илова)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича объектларнинг мураккаблиги тоифаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 7-банднинг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«б) юридик шахснинг штатида доимий равишда ишлайдиган (вақтинчалик жалб қилинганларни ҳисобга олмасдан) ушбу Низомга 3-иловада назарда тутилган талабларга жавоб берадиган мутахассисларнинг мажбурий тартибда мавжуд бўлиши:

тўлиқ комплексда лойиҳалаштириш бўйича фаолият турлари учун (лойиҳалаштиришнинг барча босқичларида архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини, шу жумладан лойиҳаларнинг дастлабки техник-иқтисодий асосланиши, техник-иқтисодий асосланиши ва дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари), мураккабликнинг I тоифасидаги объектлар учун — камида 10 нафар мутахассис, мураккабликнинг

II тоифасидаги объектлар учун — камида 20 нафар мутахассис, мураккаб-ликнинг III тоифасидаги объектлар учун — камида 25 нафар мутахассис; архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларининг айрим бўлимларини ишлаб чиқиш бўйича фаолият турлари учун — камида 10 нафар мутахассис;»;

д) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 3-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш бўйича лицензияланадиган фаолиятини амалга ошириш учун асосий мутахассислар билан мажбурий таъминланганлик ЖАДВАЛИ

Мураккаблик тоифалари	Лойиҳаларнинг бош муҳандислари			Лойиҳаларнинг бош архитекторлари			Бош мутахассислар	Етакчи муҳандислар	Муҳандислар	Ўрта махсус касб-ҳунар маълумотга эга бўлган мутахассислар	
	талаб қилинадиган иш стажи										
	10 йилдан ортиқ	5 — 10 йил	3 йилдан 5 йилгача	10 йилдан ортиқ	5 — 10 йил	3 йилдан 5 йилгача	5 йилдан 10 йилгача	3 йилдан 5 йилгача	камида 5 йил	иш стажига талаб йўқ	
А гуруҳи											
1			+			+	+		+	+	+
2		+			+		+		+	+	+
3	+			+			+		+	+	+
Б гуруҳи											
1		+					+		+	+	+
2	+						+		+	+	+
3	+						+		+	+	+

Изоҳ:

- «+» белгиси ходимларнинг мажбурий мавжуд бўлишини кўрсатади. Лицензия талабгори томонидан ҳужжатлар тақдим этилганда «+» белгиси ўрнига штатдаги ходимларнинг амалдаги сони кўрсатилади.
- Ташкилот таркибида лойиҳалар бош архитекторларининг мавжуд бўлиши бажариладиган ишларнинг хусусияти билан белгиланади.

ж) 4-илова қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш соҳасидаги лицензия талабгорларининг мажбурий жиҳозланганлик ТАБЕЛИ

Мураккаблик тоифалари	Технологик лойиҳаларни бошқаришнинг замонавий дастурий-техник комплекслари	Муҳандислик тармоқлари бўйича амалий дастурлар	Сметаларни ҳисоблаб чиқишда қўллаш учун тавсия қилинган дастурий комплекслар	Махсус асбоб-ускуна*			Бинолар			Ташкилий техника (компьютер, принтер, плоттер, муқовалаш ускунаси ва нусха кўпайтириш техникаси)
				бурғулаш техникаси ва асбоб-ускуна	тупроқ кимёвий лабораторияси	махсус лабораториялар ва асбоблар	архив	1 ходим ҳисобига камида 4 кв. метр майдони бўлган офис	техника адабиётлари кутубхонаси	
А гуруҳи										
1		+	+	+	+	+	+	+	+	+
2		+	+	+	+	+	+	+	+	+
3	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
Б гуруҳи										
1		+	+	-	-	+	+	+	+	+
2		+	+	-	-	+	+	+	+	+
3		+	+	-	-	+	+	+	+	+

* «Махсус асбоб-ускуналар» устуни «Қурилиш объектлари учун муҳандислик-техник тадқиқотларни (муҳандислик-геодезия тадқиқотлари фаолиятдан ташқари) амалга ошириш» ҳамда «Бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш» фаолият турларига лицензия олишда тўлдирилади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 октябрдаги 277-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 43-сон, 458-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари қуриш учун ер участкалари ажратиш бўйича Низомнинг 15⁴-бандининг иккинчи хатбошидаги «IV ва V мураккаб (хавфли) тоифали объектлар» сўзлари «II ва III мураккаб (хавфли) тоифали объектлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 25 февралдаги 54-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 2-сон, 13-модда):

а) Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун аҳоли пунктларида ер участкалари бериш, қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

14⁴-банддаги «Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2013 йил 30 майдаги 150-сон қарорида кўрсатилган мураккабликнинг (хавфлининг) IV ва V тоифаларидаги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Лойиҳа-қидирув ва қурилиш монтаж ишлари бўйича объектларнинг мураккаблиги тоифалари классификаторига мувофиқ мураккабликнинг II ва III тоифалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 51-бандда:

биринчи хатбошидаги «I-III тоифали» сўзлари «I тоифали» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «IV ва V тоифали объектлар бўйича» сўзлари «II ва III тоифали объектлар бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин.

в) Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар, шунингдек икки ва ундан ортиқ туманлар (шаҳарлар) ёки вилоятлар ҳудудида жойлаштириладиган объектлар қурилиши учун аҳоли пунктлари ташқарисидан ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13²-банди биринчи хат бошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2013 йил 30 майдаги 150-сон қарорида кўрсатилган мураккабликнинг (хавфлиликнинг «IV ва V тоифали» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Лойиҳа-қидирув ва қурилиш монтаж ишлари бўйича объектларнинг мураккаблиги тоифалари классификаторига мувофиқ мураккабликнинг II ва III тоифалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 майдаги 150-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 5-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиб-отларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Объектларни мураккаблик тоифаларига кўра классификациялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Лойиҳа-кидирув ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича объектларнинг мураккаблиги тоифалари классификаторига мувофиқ амалга оширилади»;

б) 9-бандда:

«а)» кичик банднинг иккинчи хатбошидаги «V» рақами «III» рақами билан алмаштирилсин;

«б» кичик бандда:

биринчи хатбошидаги «IV» рақами «II» рақами билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «V» рақами «III» рақами билан алмаштирилсин;

в) 14-банднинг «б» кичик бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«0,02% — мураккабликнинг II тоифасидаги объектлар бўйича;

0,03% — мураккабликнинг III тоифасидаги объектлар бўйича»;

г) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 6-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган, шунингдек қурилиши марказлаштирилган ва молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобига амалга ошириладиган Инвестиция дастурига киритилмаган объектларнинг лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш

ҚИЙМАТИ

Реперларнинг т/р	ЛҚИни ишлаб чиқиш қиймати, млн сўм	Эксперт ишлари қийматини аниқлаш учун коэффициентлар, ЛҚИ қийматига нисбатан фоизларда (%)		
		Мураккаблик тоифаси		
		I	II	III
0	0,7 гача	27,00	-	-
1	1,4	21,60	-	-
2	4,2	12,15	13,48	-
3	7,0	10,13	11,24	-
4	12,6	7,57	8,40	9,32
5	18,2	6,22	6,90	7,65
6	23,8	5,41	6,00	6,66
7	29,4	4,47	4,96	5,50
8	35,0	4,34	4,81	5,33
9	40,6	3,94	4,37	4,85

Репер-ларнинг т/р	ЛҚИни ишлаб чиқиш қиймати, млн сўм	Эксперт ишлари қийматини аниқлаш учун коэффициентлар, ЛҚИ қийматига нисбатан фоизларда (%)		
		Мураккаблик тоифаси		
		I	II	III
10	57,4	3,26	3,61	4,00
11	70,0	2,99	3,28	3,64
12	105,0	2,31	2,56	2,94
13	140,0	1,96	2,17	2,40
14	210,0	1,58	1,75	1,94
15	280,0	1,38	1,53	1,69
16	420,0	1,10	1,22	1,35
17	630,0	0,94	1,04	1,15
18	840,0	0,82	0,91	1,01
19	1064,0	0,71	0,78	0,86
20	1260,0	0,62	0,68	0,75
21	1540,0	0,57	0,63	0,69
22	1820,0	0,53	0,58	0,64
23	2100,0	0,49	0,54	0,59
24	2380,0	0,47	0,52	0,57
25	2700,0 ва ундан юқори	0,46	0,51	0,56

Изоҳлар:

1) лойихаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказишнинг оралик кўрсаткичларга эга бўлган қиймати интерполяция йўли билан аниқланади;

2) янгидан ишлаб чиқиладиган намунавий (базавий) лойиҳаларни экспертизадан ўтказганлик учун тўлов миқдори 1,2 коэффициентини қўллаган ҳолда аниқланади;

3) алоҳида масалалар (ишларнинг алоҳида турлари калькуляцияси, машина ва механизмларга харажатлар, пудрат ташкилотининг бошқа харажатлари ва шу қабилар бўйича экспертиза қийматининг ҳисоб-китоби (экспертизанинг ҳақиқий меҳнат талаб қилувчанлигини ва эксперт ташкилотнинг амалдаги харажатларини ҳисобга олган ҳолда) бевосита меҳнат сарфларини ҳисоблаб чиқиш усули билан амалга оширилади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 июндаги 154-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 6-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Ер участкаларини танлаш бўйича материалларни ваколатли ташкилотлар билан келишиш, шунингдек қурилиш соҳасида рухсатномалар бериш тартиб-ботларини амалга оширишда ахборот тизимининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандидаги «IV ва V тоифасидаги объектларни» сўзлари «II ва III тоифасидаги объектларни» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-банди ўн биринчи хатбошидаги «IV ва V тоифаларидаги объектлар» сўзлари «II ва III тоифаларидаги объектлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолияти ва қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари беришнинг, бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишишнинг, шунингдек объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга, турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсатномалар беришнинг умумий белгиланган тартибини янада содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 9 мартдаги 70-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 10-сон, 98-модда) 4-илова-нинг 2-банди «а» кичик бандининг иккинчи — олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.